

ШАРТНОМА № 7

(Сиқилган табиий газ етказиб бериш тўғрисида)

«17» январь 2022 йил

Ургенч тумани

«Матназар Алимов» масъулияти чекланган жамияти (кейинги бандларда «Газ тўлдирувчи»), номидан, корхона Уставига асосан иш юритувчи раҳбари М.Олимов бир томондан ва Ургенч шаҳар ХТБ (кейинги бандларда «Истеъмолчи») номидан, корхона Уставига асосан иш юритувчи раҳбари О.И. Саидов иккинчи томондан ушбу шартномани туздилар:

1. Шартнома мазмуни

1.1. «Газ тўлдирувчи» «Истеъмолчи»нинг автотранспортларини сиқилган табиий газ билан тўлдиришни, «Истеъмолчи» эса сиқилган табиий газ учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишни ўз зиммасига оладилар.

1.2. «Газ тўлдирувчи» «Истеъмолчи» га 2022 йил давомида 1383 (бир миң уч юз саксон уч) м3 сиқилган табиий газ етказиб беради

1.3. «Истеъмолчи» автотранспорти сиқилган табиий газ билан тўлдирилган кун газ тўлдирилган сана ҳисобланади.

2. Ҳисоб-китоб тартиби

2.1. Шартноманинг умумий қиймати 3595800 (Уч миң тоқсон беш юз тўқсон беш миң саксон юз) сўм

2.2. Сиқилган табиий газнинг 1 м³ баҳоси қўшилган қиймат солиғи(КҚС) билан биргаликда 2600,0 (Икки миң олти юз) сўм ни ташкил қилади.

2.3. Сиқилган табиий газнинг 1 м³ учун баҳоси хом-ашёлар, моддий бойликлар, ёқилғи-энергетика ресурслари баҳоси ўзгарганда, ва Ўзбекистон Республикаси қонуллари, қарорлари ва норматив актларига асосан ўзгариши мумкин.

2.4. «Истеъмолчи» автотранспортларини сиқилган табиий газ билан тўлдириш «Газ тўлдирувчи»нинг банкдаги ҳисоб рақамига олдиндан 30% тўловни олдиндан утказиб беради ва қолган 70% тини газни олгандан кейин кейинги ойнинг 5 санасигача газ тарқатиш ведомост асосан тулик ҳисоб китоб қилиб тулик утказиб беради,

3. Томонларнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари

3.1. «Истеъмолчи» ГБУ (газ баллонли ускуна) билан жиҳозланган автотранспортларининг техник ҳолати ва техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги, санитария ва экология хавфсизлиги учун жавобгар ҳисобланади.

3.2. «Истеъмолчи» нинг мажбуриятлари:

а) ГБУ ўрнатилган автотранспортларни ва сиқилган табиий газдан фойдаланиш тўғрисидаги амалдаги тартиблар, техник ҳолатлар, кўрсатмалар ва қарорларини бажариш;

б) ГБУ ни ва автотранспортларини техник соҳада сақлаш;

в) Йўл варақасида автотранспортнинг техник соҳадаги ҳақида белги қўйиш, баллонлар сони ва геометрик ҳажми тўғрисида маълумотларни кўрсатиш;

г) Автотранспортни сиқилган табиий газ билан тўлдириш учун белгиланган тартибда руҳсатнома олиш;

д) Баллонларнинг умумий сони ва геометрик ҳажми (+,-) 0,5 аниқликда автотранспорт техпаспортида (маҳсус вкладаш) ёзиб қўйиш.

3.3. «Газ тўлдирувчи» ва «Истеъмолчи» сиқилган табиий газ билан таъминлаш ва қабул қилишни ой давомида бир маромда, бир кунлик ўртача газ ҳажми миқдорида амалга оширадилар.

«Истеъмолчи» сиқилган табиий газни қабул қилиш бўйича барча ўзгаришлар тўғрисида «Газ тўлдирувчи» ни олдиндан 15 кундан кечиктирмай ёзма равишда ёки телефонограмма орқали огоҳлантириши шарт.

«Газ тўлдирувчи» АГНКС да жорий ва капитал таъмир ишлари бошланган тақдирда «Истеъмолчи» ни 3 кун олдин, ишга тушишидан 3 кун олдин огоҳлантиради.

3.4. «Газ тўлдирувчи» нинг мажбуриятлари;

а) Газ ускуналаридан тўғри фойдаланишни, автотранспортлардаги назорат-ўлчов асбобларини ва газни очиш-ёпиш арматуралари соҳадаги текширади.

б) «Истеъмолчи» («Истеъмолчи» вакили) томонидан белгиланган қоидалар, газ тўлдириш регламенти, мазкур шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда автотранспортга сиқилган газ тўлдиришни тўхтади.

4. Сиқилган газ ҳисоб-китоби тартиби

4.1. «Газ тўлдирувчи» томонидан «Истеъмолчи» автотранспорти тўлдирилган сиқилган табиий газ ҳажми «Газ тўлдирувчи» нинг ўлчов асбоблари орқали аниқланади.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Сиқилган табиий газни қабул қилиш мазкур шартномада кўрсатилган ҳажмдан ошган тақдирда қўшимча шартнома тузилади.

5.2. Сиқилган табиий газ учун тўловларни амалга ошириш мақсадида «Истеъмолчи» мол-мулкни гаровга қўйиш,

кафиллик мажбуриятлари, «Истеъмолчи» карзи эвазига мол мулки билан ҳисоблашиши нотариус томонидан тасдиқланган қўшимча шартномалар тузиш орқали амалга оширилади.

5.3. Томонлар мазкур шартномада белгиланган шартларни бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавобгар ҳисобланадилар.

5.4. Ушбу шартноманинг амал қилиш муддатида вужудга келадиган келишмовчиликларни «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси қонуни, Иқтисодий Процессуал Кодекси ва бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқ равишда тартибга солиниб борилади.

6. Форс мажор

6.1. «Газ тўлдирувчи» ва «Истеъмолчи» қуйидаги ҳолатларда газ тўлдириш ва қабул қилиш ҳажмини камайтирганлиги учун жавобгар ҳисобланмайди:

а) Газ қазиб чиқариш конларида, магистрал газ қувурларида, шаҳар, туман газ тармоқларида, электр тармоқларида қутилмаган авария ҳолатлари содир бўлганда;

б) Магистрал газ қувурларида, шаҳар, туман газ тармоқларида, электр тармоқларида навбатдаги жорий ва капитал таъмир ишлари, синовлар ўтказилганда ва пайвандлаш ишлари даврида.

7. Шартнома муддати

7.1. Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан кучга киради ва 31 декабрь 2022 йилгача амал қилади.

7.2. Шартнома икки нусхада – ҳар бир томон учун биттадан тузилиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга.

7.3. Мазкур шартнома бўйича низолар хўжалик судида, Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

8. Томонлар юридик манзиллари ва реквизитлари

| |
|---|
| «Газ тўлдирувчи» «Матназар Алимов» МЧЖ |
| Манзил: Ургнч тум Жайхун кучаси |
| Телефон: (+998 90) 719 00 64 |
| Х/р: 20 208 000 900 770 297 001 |
| Банк: АТБ ҳамкор банк хоразм минтакавий филиали |
| МФО: 01161 |
| ИНН: 304802708 |
| ОКЭД: |
| Раҳбар: М.Олимов |

| |
|--------------------------------------|
| «Истеъмолчи» Урганг шаҳар ХТБ |
| Манзил: Ибродон бобошов 7 уйи |
| Телефон: 22 8-10-68 |
| Х/р: /000228603340/709630045004 |
| Банк: Тошкент шаҳар марказий банк |
| МФО: 00014 |
| ИНН: 201651086 20472919 |
| ОКЭД: 97600 №: 234020005010000100 |
| Раҳбар: О. Ул. Саидов |

